

«YANGI ANGREN IES» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2018 йил якунларига бағишланган йиллик умумий йиғилиши баённомаси.

Нуробод кўрғони

30 июн 2019 й.

Умумий йиғилиш ўтказиш манзили:

Тошкент вилояти, Нуробод кўрғони, «YANGI ANGREN IES» АЖ мажлислар зали.

Умумий йиғилиш ўтказиш вақти: 30 июн 2019 йил. соат 15-00.

Жамият акцияларининг умумий сони - 37 732 650 дона.

Умумий овоз берувчи акциялар сони – 37 579 750 дона.

Йиғилишда акциядорлар номидан:

- 37 579 750 дона (99,5%) акцияларга эгалик қилаётган «Иссиқлик электр станциялари» АЖдан унинг вакили 21.06.2019 йилдаги РМ-01-01/-сон ишончномага асосан «Иссиқлик электр станциялари» АЖ бошқарма бошлиғи З.Я.Халиков қатнашди.

Бундан ташқари йиллик умумий йиғилишда «YANGI ANGREN IES» АЖ нинг бош директори Г.Р.Мамаджанов, бош бухгалтер Кадиралиев А.М. ва Жамиятнинг молия ишлари бўйича директори И.Худойкуловлар иштирок этдилар.

Йиғилишни Кузатув кенгаши раиси, «Иссиқлик электр станциялари» АЖ вакили З.Я.Халиков олиб борди.

Умумий йиғилиш раиси жамият Кузатув кенгаши қарорига кўра белгиланган йиғилиш кун тартиби билан таништирди.

Кун тартиби:

1. Йиғилиш регламенти ва саноқ комиссиясини тасдиқлаш.
2. Жамият ижроия органининг 2018 йил Бизнес режаси асосий кўрсаткичлари бажарилиши юзасидан ҳисоботини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи ва ташқи аудитор хулосасини кўриб чиқиш.
4. Жамиятнинг корпоратив фаолиятини баҳолаш юзасидан баҳоловчи ташкилот ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. «YANGI ANGREN IES» АЖнинг 2018 йил якуни бўйича бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини кўриб чиқиш.
6. Жамият имтиёзли акция эгаларига тўланадиган дивиденд микдорини тасдиқлаш.
7. Жамият Кузатув кенгашининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
8. Жамият кузатув кенгаши таркибига янги номзодларни кўриб чиқиш.
9. Жамият тафтиш комиссияси таркибига янги номзодларни кўриб чиқиш.
10. «YANGI ANGREN IES» АЖ ижроия органи раҳбарини сайлаш (меҳнат шартномасини узайтириш).

11. Жамиятнинг 2019 йил фаолиятини текшириш учун аудиторлик ташкилоти ва унга тўланадиган ҳақ чегарасини белгилаш масаласини кўриб чиқиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 март 2019 йилдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” қарори ижросини таъминлаш юзасидан Жамият ижроия органи томонидан қилинган ишларни кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи масала - Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи юзасидан йиғилиш раиси сўз олди ва умумий йиғилиш регламенти бўйича қуйидаги таклиф киритди:

Кун тартибидаги масалалар бўйича қатнашиш давомийлиги:

- маърузачиларга – 10 минутгача;

- сўзга чиқиш учун ёзма мурожаат қилувчилар учун – 5 минутгача;

- ўз жойида турган ҳолда қатнашиш учун – 3 минутгача.

- Умаров С., Шукуржанов К. ва Ахмадалиев А. Санок комиссиясига таклиф этилди. Котиб- С.Умаров. Таклиф бир овоз билан маъқулланди.

Кун тартибидаги иккинчи масала - «YANGI ANGREN IES» АЖ ижроия органининг 2018 йил якуни бўйича Бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича ҳисоботи юзасидан жамият бош директори Г.Р. Мамаджанов эшитилди. Маърузачи 2018 йил якуни бўйича ижроия органи ҳисоботини ўқиб эшиттирди.

2018 йилда 6 221 770,1 минг кВт/с электр энергияси, 165 944,0 Гкал иссиқлик энергияси истеъмолчиларга етказиб берилди. Электр энергиясини истеъмолчиларга етказиб бериш режага нисбатан 92,1 % ни, иссиқлик энергиясини етказиб бериш эса бизнес режага нисбатан 97,6 % ни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида таъмирлаш-бутлаш ишларига жами 81 205 069,0 минг сўм сарфланди ва бу режага нисбатан 90,2 % ни ташкил қилди.

Электр энергияси ишлаб чиқариш учун 421,21 гр/кВт.с. шартли ёкилғи бирлиги белгиланган бўлса, ҳақиқатда ҳам 420,84 гр/кВт.с. ни ташкил қилди.

т/р	Кўрсаткичлар.	Шартли бирлиги	Бизнес режа буйича	Ҳақиқатда	Бизнес режага нисбатан % да
1	Электр энергия и/ч	Минг кВт/с	6 756 200,0	6 221 770,1	92,1
2	Иссиқлик энергияси етказиш	Гкал.	170 000,0	165 944,0	97,6

Махсулот сотишдан тушум 959 040 402,0 минг сўмни ёки режага нисбатан 150,0% ни ташкил қилди. Жамият 2018 йилни 5 458 736,0 минг

сўм соф фойда билан якунлашни режалаштирган ҳолда, 77 575 423,0 минг сўм зарар билан якунлади.

Жамиятнинг дебиторлик қарзлари 01.01.2019 йил ҳолатига 25 815 238,0 минг сўмни ташкил қилди. Қарздорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 баравардан кўроққа камайган. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари мавжуд эмас. Жамиятнинг кредиторлик қарзлари 01.01.2019 йил ҳолатига 602 773 871,0 минг сўмни ташкил қилди. Қарздорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20,7%га ошган.

Йиғилиш раиси Жамият ижроия органи ҳисоботи бўйича овоз беришни таклиф қилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

Ижроия органининг 2018 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала - Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботи ва ташқи аудитор хулосасини кўриб чиқиш юзасидан Жамият бош бухгалтери А.Кадиралиев сўз олди. Маърузачи Йиғилиш қатнашчиларига тафтиш комиссияси ҳисоботи ва ташқи аудитор хулосасини ўқиб эшиттирди.

Масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

2018 йил якуни бўйича Аудит хулосаси ва тафтиш комиссиясининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала - Жамиятнинг корпоратив фаолиятини баҳолаш юзасидан баҳоловчи ташкилот ҳисоботини кўриб чиқиш юзасидан Жамият бош бухгалтери А.Кадиралиев сўз олди. Маърузачи Йиғилиш қатнашчиларига мустақил баҳоловчи (Наймон Инвест Консалтинг МЧЖ) томонидан тақдим этилган хулосани ўқиб эшиттирди. (ҳисобот илова қилинади).

Маърузачи Наймон Инвест Консалтинг МЧЖ томонидан тақдим этилган Жамиятнинг корпоратив фаолиятига доир хулосани тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

2018 йил якуни бўйича Наймон Инвест Консалтинг МЧЖ томонидан тақдим этилган Жамиятнинг корпоратив фаолиятига доир хулосаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала - Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботини кўриб чиқиш юзасидан А.М.Кадиралиев сўз олди ва йиғилиш

қатнашчиларига йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва фойда ва зарарлар ҳисоб варағи билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (ҳисобот илова қилинади). Жамият 01.01.2019 йил ҳолатига баланс активи 858 836 207,0 минг сўмни ташкил қилди. Шундан соф активлар 214 507 319,0 минг сўм бўлиб ўтган йилга нисбатан 73% ни ташкил қилди. Жамиятнинг 2018 йил якунида маҳсулот сотгандан тушуми 959 040 402,0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ишлаб чиқариш харажатлари 956 172 440,0 минг сўмни ташкил қилиб, 2018 йилни 77 575 423,0 минг сўм зарар билан якунлади.

Масала юзасидан савол ва таклифлар тушмагач масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала - Жамият имтиёзли акция эгаларига тўланадиган дивиденд миқдорини тасдиқлаш юзасидан Жамият Бош директори Г.Р. Мамаджанов сўз олди. Г.Р. Мамаджанов ўз сўзида Жамият 2018 йилни зарар билан якунланганини эътироф этиб, Жамият уставида имтиёзли акция эгалари акцияларининг номиналига нисбатан 25% миқдорида дивиденд олиши мумкинлиги баён қилинган. Шунга кўра имтиёзли акция эгалари акцияларининг номиналига нисбатан 25% миқдорида яни ҳар бир имтиёзли акция учун 250,0 сўмдан жами 152 900 дона имтиёзли акциялар учун 38 225,0 минг сўм тўлаш таклиф қилинди.

Масала юзасидан таклиф ва саволлар тушмагач масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

Ҳар бир имтиёзли акция учун 250,0 сўмдан жами 152 900 дона имтиёзли акциялар учун 38 225,0 минг сўм тўлаш тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала - Кузатув кенгашининг жамият умумий йиғилишига ҳисоботини кўриб чиқиш - юзасидан З.Я.Халиков эшитилди. Маърузачи 2018 йил якуни бўйича Кузатув кенгаши томонидан қилинган ишлар, ўтказилган йиғилишлар ва унинг ижролари бўйича ҳисоботни йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Ҳисобот бўйича савол ва таклифлар тушмади.

Масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари: “Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” - йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

Кузатув кенгашининг 2018 йил якуни бўйича томонидан қилинган ишлар, ўтказилган йиғилишлар ва унинг ижролари бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

1	Жураев Баходир Ибрагимович	37 579 750
2	Халиков Зокиржон Якубович	37 579 750
3	Эрнст Ольга Васильевна	37 579 750
4	Каримова Нигора Ташпулатовна	37 579 750
5	Неъматов Улугбек Эркинович	37 579 750
6	Исаев Одил Баходирович	37 579 750
7	Тургунова Феруза	37 579 750
8	Набиев Бекзод Темирович	37 579 750
9	Пидаев Даврон Мухамеджанович	37 579 750

Кун тартибидаги бешинчи масала - Жамият тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш юзасидан йиғилиш раиси З.Я.Халиков тингланди. Йиғилиш раиси “Иссиқлик электр снандиялари” АЖ томонидан берилган тафтиш комиссиясига номзодлар билан таништирди.

№	Тафтиш комиссиясига:	
1	Гимранова Л.А.	Бош бухгалтер в.б.
2	Саидназарова Н.А.	Бош мутахассис
3	Исмоилова Д.М.	Етакчи мутахассис

Овоз бериш натижалари:

т/р	Номзодлар	Овозлар сони
1	Гимранова Л.А.	37 579 750
2	Саидназарова Н.А.	37 579 750
3	Исмоилова Д.М.	37 579 750

Қарор қилинди:

Жамият тафтиш комиссияси янги таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

т/р	Номзодлар	Овозлар сони
1	Гимранова Л.А.	37 579 750
2	Саидназарова Н.А.	37 579 750
3	Исмоилова Д.М.	37 579 750

Кун тартибидаги саккизинчи масала - Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг янги таркибини кўриб чиқиш юзасидан йиғилиш раиси З.Я.Халиков тингланди.

Маърузачи йиғилиш қатнашчиларга Кузатув кенгашининг янги таркибига “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан берилган номзодлар билан таништирди.

Кузатув кенгашига номзод		
1	Жураев Баходир Ибрагимович	Бошқарув Раиси биринчи ўринбосари
2	Халиков Зокиржон Якубович	Бошқарма бошлиғи
3	Эрнст Ольга Васильевна	Бош мутахассиси
4	Каримова Нигора Ташпулатовна	Бўлим бошлиғи
5	Неъматов Улугбек Эркинович	Бош мутахассиси
6	Исаев Одил Баходирович	Бош мутахассиси
7	Тургунова Феруза	Бўлим бошлиғи
8	Набиев Бекзод Темирович	Бош мутахассиси
9	Пидаев Даврон Мухамеджанович	Бош мутахассиси

Маърузачи номзодлар бўйича овоз беришни таклиф қилди.

Овоз бериш натижалари:

т/р	Номзодлар	Овозлар сони
1	Жураев Баходир Ибрагимович	37 579 750
2	Халиков Зокиржон Якубович	37 579 750
3	Эрнст Ольга Васильевна	37 579 750
4	Каримова Нигора Ташпулатовна	37 579 750
5	Неъматов Улугбек Эркинович	37 579 750
6	Исаев Одил Баходирович	37 579 750
7	Тургунова Феруза	37 579 750
8	Набиев Бекзод Темирович	37 579 750
9	Пидаев Даврон Мухамеджанович	37 579 750

Қарор қилинди:

Жамият Кузатув кенгашининг янги таркиби қуйидагича тасдиқлансин:

т/р	Номзодлар	Овозлар сони
-----	-----------	--------------

Кун тартибидаги ўнинчи масала - «YANGI ANGREN IES» АЖ ижроия органи раҳбарини меҳнат шартномасини узайтириш бўйича йиғилиш раиси З.Я.Халиков эшитилди. Маърузачи “Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан берилган 25.06.2019 йилдаги ШП-28–сонли кўрсатма асосида Жамият бош директори Г.Р.Мамаджановнинг меҳнат шартномасини яна бир йилга узайтиришни таклиф қилди. Таклиф овозга қўйилди.

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:

Жамият бош директори Г.Р.Мамаджанов билан тузилган меҳнат шартномаси бир йил мўддатга узайтирилсин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала – жамият ташқи аудиторини ва унга тўланадиган ҳақ чегарасини белгилаш бўйича йиғилиш раиси сўз олди. 2019 йил жамият фаолиятини текшириш учун қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклиф тушди:

Аудиторлик ташкилотлари	Тўланадиган ҳақ чегараси (сўм)
"Назорат - Аудит" МЧЖ	44 000 000,0
"Аудит-Варн" МЧЖ	46 000 000,0
"Баланс- Информ - Аудит" МЧЖ	41 000 000,0
"XB FINANS KONSULTING" МЧЖ	40 000 000,0

Йиғилиш раиси З.Я.Халиков сўз олиб, шу ташкилотлардан бирига овоз беришни таклиф қилди.

Таклиф овозга қўйилди.

Аудиторлик ташкилотлари	Овозлар сони
1."Назорат - Аудит" МЧЖ	0
2."Аудит-Варн" МЧЖ	0
3."Баланс- Информ - Аудит" МЧЖ	37 579 750
4."XB FINANS KONSULTING" МЧЖ	0

Қарор қилинди:

Жамиятнинг 2019 йилга молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун "Баланс- Информ - Аудит" МЧЖ тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақ чегараси 41,0 млн. сўм қилиб белгилансин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 март 2019 йилдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон

Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида” қарори ижросини таъминлаш юзасидан Бош директор сўз олди. Қарорнинг 2-иловасида келтирилган 16 та мулк объектлари қарорда белгиланган тартибда Давлат активларини бошқариш Агентлигига берилди. Масала бўйича йиғилиш раиси З.Я.Халиков эшитилди. Маърузачи қарор ижросидан келиб чиқиб Давлат активларини бошқариш Агентлигига берилган активларни тасдиқлашни таклиф қилди.

Таклиф овозга қўйилди.

“Рози” – 37 579 750 дона овоз, “Қарши” – йўқ, “Бетараф” - йўқ.

Қарор қилинди:


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 март 2019 йилдаги ПҚ-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислох қилиш стратегияси тўғрисида” қарорининг 2-иловасига кўра Давлат активларини бошқариш Агентлигига берилган активлар тасдиқлансин.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси З.Я.Халиков сўзга чиқиб, «YANGI ANGREN IES» АЖ акциядорларнинг 2018 йил яқунлари бўйича умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган барча масалалар тўлиқ кўриб чиқилганлиги ва тегишли қарорлар қабул қилинганлиги муносабати билан умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Умумий йиғилиш баённомаси 2 нусхада тузилди.

Баённома 2019 йил _____ куни имзоланди.

Йиғилиш раиси



З.Я.Халиков

Котиб

С.Э. Умаров.